



MUNDARIJA

Ilmiy, ijtimoiy-falsafiy, madaniy-ma'rifiy, adabiy-badiiy jurnal

MUASSISLAR: Beruniy tuman hokimligi
“Tafakkur-tamaddun” OOO

“Beruniy avlodlari” jamoat fondi

HAMKORLARIMIZ:

O’zRFA Qoraqalpog’iston bo’limi

Qoraqalpoq davlat universiteti

Urganch davlat universiteti

Xorazm Ma’mun akademiyasi

TAHRIR HAY’ATI:

BOSH MUHARRIR:

Munavvara QURONBOYEVA

BOSH MUHARRIR O’RINBOSARI:

Anvar ALLAMBERGENOV

Akmal SAIDOV, y.f.d., prof., akad.

Qahramon QURONBOYEV, s.f.d., prof.

Almagul BAYRIYEVA, s.f.d., (DSc)

Zabixulla SAPOV, s.f.n., (PhD)

Zuhra REYMOVA, y.f.d., (DSc)

Karlig’ash UMAROVA, y.f.d., (DSc)

Anvar ABDULLAYEV, t.f.f.d., dots.

Gavhar DURDIYEVA, arx.f.d., prof.

Makset KARLIBAYEV, t.f.d., k.i.x.

O’tkir ABDULLAYEV, t.f.d., (DSc)

Kozimbek TUXTABEKOV, t.f.d., (PhD)

Umid BEKMUHAMMAD, t.f.d., (PhD)

Baxtiyor KARIMOV, fal.f.d., prof.

Marat NIYOZIMBETOV, fal.f.d.

Alima BERDIMURODOVA, fal.f.d.

Shohida SODIQOVA, sots.f.d.

Abdug’ani XOLBEKOV, sots.f.d.

Sobir XODJAYEV, sots.f.d., (PhD)

Zarifboy DO’SIMOV, fil.f.d., prof.

Olmos ULVIY, f.f.d., prof.

Doniyor YULDASHEV, fil.f.d (DSc)

Vahob RAHMONOV, f.f.n., dots.

Qozoqboy YO’LDOSHEV, p.f.d., prof.

Safo MATJONOV, p.f.d., prof.

Qaxramon IBADULLAYEV, p.f.d., (DSc)

Masharib ABDULLAYEV, s.f.f.d., (PhD), k.i.x.

Anvar ISMOILOV, s.f.f.d., (PhD), k.i.x

G’ayrat MAMBETKADIROV, s.f.d.

Svetlana MAMBETULLAYEVA, b.f.d., prof.

Otanazar RAHIMOV, b.f.n. ped.f.d, prof.

Umarbek ABDURAHIMOV, b.f.f.d. (PhD)

Nuraddin RO’ZIBOEV, q.x.f.d.

Ne’matullo XUDAYBERGANOV, q.x.f.d., (PhD)

Zokir RAJABOV, q.x.f.d., (PhD), k.i.x.

Roza XOJAMURATOVA, g.f.d.

Sattorbergan AVEZOV, g.f.n., dots.

Keumijay ALLANAZAROV, g.f.n., dots.

Furqat RAJABOV, g.f.d., dots.

Nargis ATABAYEVA, psixol.f.d., (DSc)

Dilafruz QARSHIYEVA, psixol.f.d., (DSc)

Dilbar URAZBAYEVA, psixol.f.d., (DSc)

Mels QOBULOV, tib.f.d., prof.

Bozorboy ORAZALIYEV, t.f.n.

Davlatyov BOLTAYEV, t.f.n., dots.

PEDAGOGIKA

Sunnatillo RAXMONOV. Jaloliddin Rumiy ilmiy merosining pedagogik ahamiyati.....	3
---	---

FALSAFA

Ravshan TURSUNOVA. Axborot makonining globallashuvida g’arb mediaindustriyasining rivoji.....	14
---	----

Shahnoza TURSUNOVA. Axborot makonining globallashuvida g’arb mediaindustriyasining rivoji.....	23
--	----

Фарҳод РАҲМАНҚУЛОВ. Миллий ўзлники англаш – маънавий юқсанлишнинг пойдевори.....	40
--	----

Ro’zi KOMILOV. Oila mustahkamligida nikohning ahamiyati va marosimlarning axloqiy-estetik mohiyati.....	84
---	----

Umida NURMATOVA. Mutolaa jarayonining inson bilish faoliyatidagi o’rni va ahamiyati.....	104
--	-----

Шуҳрат БОЗОРОВ. Аҳмад Донишнинг “Наводир ул-вақо‘е” асарида инсон қадри ҳамда инсонпарварлик масалалари нинг ёритилиши.....	108
---	-----

Xurshida BOBOQULOVA. Zardushtiylik merosi “Avesto”ning insoniyat tafakkuri tarixidagi rivoji.....	112
---	-----

Ravshan USANOV, Shavkat XAMZAYEV. Aksilzo’ravonlik falsafasi va axloq.....	115
--	-----

Naimjon HOJIQULOV. Jamiyat muhitida o’g’il bola tarbiyasining asosiy yo’nalishlari va o’zgarishlar tendensiysi.....	135
---	-----

Рахим МИНГБАЕВ. Халқaro экологик муносабатларни ривожлантиришдаги толерантлик, муроса ва ҳамкорлик тамоилларининг ўрни ва роли.....	139
---	-----

Шоира КУБАЕВА. Ўйин онтогенезиси: биологик функциялари ва ижтимоий-маданий моҳияти.....	149
---	-----

Jaxongir ISKANDAROV. Ichki ishlar xodimlarida intuitiv bilishni shakllantirishning ijtimoiy-madaniy jihatlari.....	154
--	-----

Зарина ЭГАМБЕРДИЕВА. Идеи толерантности в восточной философии.....	161
--	-----

Fazliddin BERDIYEV. Ijtimoiy tartib kategoriyasining ilmiy-nazariy asoslari.....	190
--	-----

Nutfullo TESHAYEV. Mustaqillik davrida fuqarolik jamiyatni shakllanishining mafkuraviy tamoyillarining uslubiy va ilmiy-falsafiy asoslari.....	205
--	-----

Гуландом ЮНУСОВА, Муаттар КАДИРОВА. Значение моральной красоты в совершенствовании человека в толковании Абдулкадира Гийлани.....	210
---	-----

Мустафо БОЗОРОВ. Глобаллашув даврида миграция жараёни муаммолари.....	215
---	-----

Мартаба МЕЛИКОВА. Проблемы антропологии в духовном наследии Алишера Навои.....	220
--	-----

Parvina BEGBUDIEVA. Modern teaching methods at Russian schools in the second half of the XIXth and early XXth centuries.....	224
--	-----

SAN’ATSHUNOSLIK

Муниса МАВРУЛОВА. Соғлом эҳтиёж – кучли маънавият асоси.....	18
--	----

TARIX

Kamoliddin TUXTAYEV, Rufat BEGIMOV. O’zbekiston Konstitutsiyasi yaratilish tarixi.....	8
--	---

Ismoil NURMETOV. XX asrning 20-30-yillarda Xorazm vohasida prokuratura organlari faoliyati.....	26
---	----

Рахим ШЕРНИЯЗОВ. Сўнгти ўрта асрларда Қўйи Амударё ҳудудларида кечган этник жараёнларда туркманларнинг ўрни.....	29
--	----

Дилбар КОСЫМБЕТОВА. Латинизация в Каракалпакстане (1928 - 1940).....	36
--	----

Dilshod RO’ZIBOEV. Chorvachilik sohasi: muammo va yutuqlar (“Nishon” nasilchilik zavodi misolda).....	49
---	----

Ойбек ИСАЕВ. XX asrning 20-30 йилларида Сурхон воҳасида жамоалаштириш сиёсати ҳамда қулоқ ҳўжаликларининг аҳволи.....	56
---	----

Umidulla ISAROV. Bronza davrida O’rta Osiyoning ko’chmanchi chorvador aholisi hayotida yuz bergan ijtimoiy-migratsion jarayonlarga doir mulohazalar.....	61
--	----

Sardor NURMETOV. O’zbekiston tarixiy-geografik hududlarida bronza davri xo’jalik-madaniy munosabatlарining rivojanishi.....	68
---	----

Mavzuna MUXIDDINOVA. Amir Shohmurodinning Buxoro amirligi tarixidagi o’rni va ahamiyati.....	71
--	----

Умаржон ҲЎЖАМУРАТОВ. Қишлоқ ҳўжалик маҳсулотларини етиширишда фермер ҳўжаликларининг тутган ўрни.....	79
---	----

Muyassar HAKIMOVA. Surxon vohasi ayollarining front ortida ko’rsatgan jasoratlari.....	90
--	----

Go’zal MARDIYeva. O’zbekistonda Sovet ta’lim tizimi va xotin-qizlар XX asr dastlabki yillarda.....	132
--	-----

Manzura ABDURAIMOVA. Mang’itlar suolasi davrida oltin qazib olish hududlarining joylashuv.....	157
--	-----

Иҳтиёр АБДУЛЛАЕВ. Ўзбекистон ички ишлар органларида хотин-қизлар билан ишлаш фаолияти.....	165
--	-----

Azad VAISOV. Mustaqillik yillarda Xorazm viloyati iqtisodiy salohiyatining rivojlanish tarixidan.....	169
---	-----

Шерали АЛЛАБЕРГАНОВ, Фирзуза ЖУМАНИЯЗОВА. Иккинчи жаҳон уруши йилларида Хоразмда алоқа тизимида фаолият юритган ходимлар.....	172
---	-----

Зулхандияр ҚЫДЫРНИЯЗОВ. Музейное дело в Каракалпакстане как объект исторического краеведения.....	186
---	-----

Дилфуза ИСМАИЛОВА. Деятельность традиционных школ Туркестана в конце XIX- начале XX веков.....	196
--	-----

Ҳамза ЖЎРАЕВ. Франциянинг Ўзбекистондаги иқтидорли болалар мактаб-интернати тарихи.....	202
---	-----

Shoira INDIAMINOVA. Buyuk ipak yo’lidagi Markaziy Sug’d davlatchiligining rivojlanish tarixiga oid manbalar tahlili.....	228
--	-----

4. Алишер Навоий асарлари тилининг изоҳли луғати. IV том. -Т.: Фан. 636 бет.

5. Алишер Навоий. Мукаммал асарлар тўплами. Йигирма томлик Тўртинчи том. Хазойин улмаоний, Наводир уш-шабоб “Фан” нашриёти, Т.: – 1989, 526 бет.

6. Алишер Навоий. Мукаммал асарлар тўплами. Йигирма томлик Бешинчи том. Хазойин улмаоний, Бадоев ул-васат “Фан” нашриёти, Т.: – 1990, 528 бет.

7. Қарақалпақ тилиниң түснандирме сөзлиги. 3 том. Нукус “Қарақалпақстан”, 1988. 336 бет.

8. Álisher Nawayi. Gázzeller. Nókis: Qaraqalpaqstan baspasi, 2020-jil, 80 bet.

9. Ш.Фозилова, Д.Султонова. Таржима мутахассислигига кириш. (Маърузалар матни) Самарқанд – 2007, 46 бет.

TAMADDUN NURI

TARIX

UDK: 304.94 (575.146)(043.3)

ФРАНЦИЯНИНГ ЎЗБЕКИСТОНДАГИ ИҚТИДОРЛИ БОЛАЛАР МАКТАБ-ИНТЕРНАТИ ТАРИХИ

Аннотация: Уибу мақолада Бухоро вилояти Гиждувон тумани Гаждумак қишилогида ташкил этилган иқтидорли болалар ихтисослашган мактаб-интернати, тарихи, моддий таъминоти, шу мактабни ташкил қилган марҳум Said Раҳмоновнинг педагогик фаолияти илмий маълумотлар асосида ёритиб берилган.

Калим сўзлар: Гиждувон, мактаб-интернат, олимпиада, иқтидор, Франция, Швейцария, Версаль академияси, элчихона, билим, тафаккур, педагогик технология, интерфаол.

Аннотация: В данной статье на основе научных данных освещена школа-интернат для одаренных учащихся, ее история, материальное обеспечение, педагогическая деятельность покойного Саида Раҳмонова, основателя этой школы, созданной в селе Гайдумак Гиждуванского района Бухарской области.

Ключевые слова: Гиждуван, школа-интернат, олимпиада, талант, Франция, Швейцария, Версальская академия, посольство, знания, мышление, педагогические технологии, интерактив.

Annotation: In this article, the boarding school for gifted students, its history, material support, the pedagogical activities of the late Said Rahmonov, who founded this school, established in Gajdumak village, Gijduvan district, Bukhara region, are covered based on scientific data.

Key words: Gijduvan, boarding school, Olympiad, talent, France, Switzerland, Versailles Academy, embassy, knowledge, thinking, pedagogical technology, interactive.

Кириш. Ўзбекистон халқ ёзувчиси Аскад Мухторнинг бир сатри бор: “Туғилган гўдакни мўъжиза билинг, бола қутқариши мумкин дунёни”. Оламни қутқариш баландпарвозроқ эшитилса-да, бироқ унинг моҳиятида эзгуликнинг инсон қалбидаги ғалабасига ёруғ умид бор. Замон, юксак мэрраларни кўзлаган ҳар қандай миллат, халқ учун таълим ривожи ҳамиша ҳаёт-мамот масаласидир.



Ҳамза ЖҮРАЕВ,
Чирчиқ давлат
педагогика
университети,
тарих фанлари
бўйича фалсафа
доктори (PhD)



Истиқлол йилларида мамлакатимиз таълим тизимидағи туб ўзгаришларни Бухоро вилояти Гиждувон туманиндағи 62-ихтисослашган умумтаълим мактаб-интернати фаолиятида ҳам кўриш мумкин. Гиждувон тумани Гаждумак қишлоғида жойлашган бу билим маскани 1996 йил 24 майда ташкил этилган. Ҳозирда мактаб-интернатда 26 нафар ўқитувчи 270 нафар ўқувчига таълим-тарбия бермоқда.

Мавзуга оид адабиётлар таҳлили.

Сайд Раҳмоновнинг ташабуси билан 1996 йилда Гиждувон туманида чет тилларига ва математика-информатика фанларига чуқурлаштирилган давлат умумтаълим мактаб-интернати ташкил этилди. Бугунги кунда бу даргоҳда бир вактнинг ўзида ўқувчилар учта – инглиз, француз, рус тилларини ўрганмоқдалар.

Масканга ўқитувчилар ва ўқувчилар республикамизнинг 7 вилоятидан синов асосида ишга ва ўқишга қабул қилинади. Улар ётоқхона, 4 маҳал овқат билан таъминланган. Билим олишлари учун кутубхона, қўшимча дарслар, тўғараклар ташкил қилинган. Бу борада тўпланган тажрибалар, илғор педагогик технологиялар нафақат ўзбекистонлик ўқитувчиларда, балки хорижлик ўқитувчиларда ҳам қизиқиш ўйғотмоқда. Чет тилларини ўрганишда С.Раҳмонов томонидан яратилган илғор педагогик технологиялар ҳар йили республика миқёсида оммалаштириб келинмоқда [1].

Мустақилликнинг илк йилларидаёт С.Раҳмонов мамлакатимиз хорижий тиллар ўқитувчилар гурӯҳи билан Европа тил ўрганиш марказига юборилди. Бундан кўзланган мақсад чет тилини ўргатиш масалалари бўйича марказда малака ошириш ва таълимдаги чет эл технологиясини ўрганиш ҳамда бу борада хориж педагоглари билан тажриба алмашиб эди [2].

Республика олимпиадаси ғолиби Нозима Амонова француз тилида берилган саволларга юз фоиз тўғри жавоб берип, 100 балл олишга эришди. Бу воқеа ўзи ўқиётган Гиждувон туманиндағи 62-иктидорли болалар лицеида, туман ёки вилоят кўриктанловларида эмас, фан олимпиадаларининг якунловчи-республика босқичида рўй берди.

Ягона энг юқори кўрсаткичга эришган бухоролик бу қизнинг билими, донолигига бошқа вилоятлардан келган вакиллар ва ҳакамлар ҳайъати лол қолиб, уни бир овоздан олимпиада қаҳрамони деб атадилар. Нозиманинг бу муваффакияти I даражали имтиёзли диплом билан тақдирланди. Шуниси эътиборга молики, мазкур диплом ғолиб юртдошимизга келгусида тест синовисиз олий ўқув юртига кириб ўқиши ваколатини беради [3].

Тадқиқот методологияси. Мақолани тайёрлашда объективлик, тарихийлик ва қиёсий таҳлил методларидан фойдаланилиб, кутубхоналардаги қўллэзма китоблар ҳамда электрон манбалар асос қилиб олинди.

Таҳлил ва натижалар. Ўқувчиларни умумтаълим фанлари бўйича Республика олимпиадаси янги-янги иктидорли болаларни кашф қиласидиган катта синов, республикамизнинг турли бурчакларидан келган билимларини учратадиган ҳамда уларни бир-бирига яқинлаштирадиган улкан анжумандир [4].

Биргина Нозима эмас, Ўзбекистон-Туркия ҳамкорлигидаги Бухоро лицеи ўқувчилари Ш.Ашурев, Ў.Саидов Шофиркон туманиндағи 2-мактаб ўқувчиси Г.Камолова сингари Бухоро вилоятининг яна 6 нафар иктидорли вакили ҳам ана шундай имтиёзли хуқуқни қўлга киритишиди. Олимпиада якуни бўйича бухороликлар, наманганлик тенгдошларидан кейин, иккинчи ўринни эгаллашга муваффак бўлишиди.

Ғолиблар республика телевидениеси “Умид ғунчалари” кўрсатувида иштирок этиб, қўлга киритилган ютуқларини қадимий Бухоронинг 2500 йиллик юбилейига тухфа деб атадилар [5]. Бугунги кунда тумандаги Гаждумак маҳалласида жойлашган мактаб қабул имтиҳонларида бир ўрин учун 7-8 нафар ўқувчи куч синашади. Айни дамларда вилоятдан ташқари республикамизнинг турли ҳудудлари – Тошкент, Чирчик шахри, Сирдарё, Қашқадарё, Навоий, Самарқанд вилоятларидан ўқувчилар келиб, мактаб-интернатда таҳсил олаётгани бу мактабнинг нуфузи ва унга бўлган ишончининг нишонасидир [6].

Таълимда эришилган илғор педагогик технологияни амалда жорий этиш ва улардан фойдаланган ҳолда, юқори натижаларга эри-

шишни, халқаро ҳамкорлик асосида йўлга қўйишни мақсад қилган мактаб-интернат ўқитувчилари – Франция, Швейцария каби давлатларнинг олий ўқув юртларида малака ошириб, ўзаро тажриба алмашиб қайтмоқда. Франциянинг Монпеле (1999 йил), Париждаги Версаль академияси билан (2000-2004 йиллар) ҳамкорлик алоқалари, айниқса самарали бўлди. Жумладан, Франциянинг Ўзбекистондаги элчинонаси кўмагида мактаб-интернати директори Сайд Раҳмонов ҳаммуаллифлигига ўзбек мактабларининг 6-9-синфлари учун француз тили дарслиги, 6-синф учун машқлар китоби ва ўқитувчилар учун “Француз тилини ўрганамиз” кўлланмаси, 5-9-синфлар учун француз тили фанидан фонетика, морфология ва грамматика бўйича жадваллар тўплами, 6-9 синфлар учун электрон луғат яратилди. Мактабнинг 5 нафар ўқитувчиси Франция олий таълим даргоҳларида ҳамда Франциялик 8 нафар ўқитувчи бу билим масканида малака ошириди.

Мактаб-интернатда француз тилини ўрганиш борасида катта тажриба тўплангани боис Халқ таълими вазирлиги ва Франциянинг Ўзбекистондаги элчинонаси билан ҳамкорликда республика мактаблари, академик лицей, касб-хунар мактаблари ва олий ўқув юртлари француз тили фани ўқитувчилари учун назарий-амалий кўчма семинарлар айнан шу ерда ўтказилиб келинмоқда.

2007 йилда Франциянинг Ўзбекистондаги элчинонаси томонидан республика талаба ва ўқувчи ёшлар ўртасида ўтказилган иншолар танловида мактабнинг 4 нафар ўқитувчиси иштирок этиб, уч нафари совриндор бўлди. Уларнинг иншоси элчинона томонидан ташкил қилинган “La roue des mots en Ouzbykistan” (“Ўзбекистон йўлларида сўз сехри”) китобига ҳам киритилди [7].

Мактаб-интернати ўқувчиларининг билим ва тафаккури турли ташкилотларда ўз ифодасини топмоқда. Биргина француз тили фани бўйича умумтаълим фанлари олимпиадасининг республика босқичида бу билим

маскани ўқувчилари деярли ҳар йили ғолиб ва совриндорлар сафидан жой олиши анъанага айланиб ултурган.

Мактабда “Шеърият гулшани”, “Сеҳрли қалам”, “Ёш таржимон” каби бадиий тўгараклар фаолияти йўлга қўйилган. Ўқувчиларнинг ижод намуналари республика матбуотида мунтазам чоп этилмоқда. Жумладан, сўнгги йилларда Отабек Тошевнинг “Бахти кулган боламан” китоби, Феруз Азимовнинг “Тонг”, Гулчехра Жабборованинг “Ғунча”, Гулчехра Ҳожиеванинг “Армуғон” шеърий тўплами нашр қилинган. 2007 йилда “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати ва “Заковат” телеклуби томонидан ўтказилган 2-республика “Заковат” фестивалида мактаб-интернат ўқувчилари ва ўқитувчиларидан ташкил топган жамоа, республикамизнинг турли олий таълим даргоҳлари талабаларидан ташкил топган 13 жамоага қарши курашиб, мусобақанинг уч босқичида ҳам ғолиб бўлди – фестивалнинг 1-даражали дипломи ва кубогини кўлга киритди [8].

Хулоса. Ушбу иқтидорли болалар мактаб-интернати ўқувчиларнинг ижодий қобилиятини шакллантиришга хизмат қилган бўлиб, бу интернат оддий мактаб эмас, балки қобилиятли болалар мактаби ҳисобланган. Бу иқтидорли болалар мактаб-интернатида ўқувчилар бирга яшаб, бирга дарс қилиб, ҳамкорликда таълим олганликлари, энг асосийси, сифатли таълимни мактаб-интернати тарихи мисолида кўрамиз.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Тил ва адабиёт таълими//№7, 2013 й.
2. Тонг ўлдузи//№ 5, 2015 й. 2 февраль.-Б.4.
3. Бухоро ҳақиқати//1997 й. 12 апрель.
4. Маърифат//1997 й. 2 апрель.
5. Бухоро ҳақиқати//1997 й. 12 апрель.
6. Тил ва адабиёт таълими//№10.2013 й.
7. Тил ва адабиёт таълими//№7. 2013 й.
8. Ўша манба.